

ТОВУҚ КОЛИБАКТЕРИОЗИ (АДАБИЁТЛАР ШАРХИ)

Хўжахонов Шохрузхон Идрисхўжа ўғли

Самарқанд давлат ветеринария медитсинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар университети
Тошкент филиали мустақил тадқиқотчиси

Хўжахонова Мохинур Фарходжон қизи

Самарқанд давлат ветеринария медитсинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар университети
Тошкент филиали талабаси

Давлатов Равшан Бердиевич

Самарқанд давлат ветеринария медитсинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар университети
в.ф.д., профессор

Аннотация: Ушбу мақолада паррандаларнинг колибактериоз касаллигини пайдо қилувчи омиллар, касалликнинг тарқалиши, диагностикаси, жўжалар орасида оғир кечиши, иқтисодий зарари, ўлим кўрсаткичлари ва асоратлари ҳақида адабиёт шарҳлари баён қилинган.

Аннотация: В данной статье представлен обзор литературы о факторах, способствующих развитию колибактериоза у домашней птицы, распространенности, диагностике, степени тяжести течения болезни у кур, экономическом ущербе, показателях смертности и осложнениях

Summary: This article provides a review of the literature on the factors contributing to colibacillosis in poultry, the prevalence, diagnosis, severity of chickens, economic damage, mortality rates and complications.

Калит сўзлар: диагностика, профилактика, colli, қўзғатувчи, чидамлилик, дизенфекция.

Мавзунинг долзарблиги. Паррандачиликда мавжуд имконият ва ишлаб чиқариш заҳирасидан тўла фойдаланилмасдан келинмоқда. Бу борада муҳим вазифа паррандаларни соғлом асраб ўстириш ва маҳсулдорлигини ошириш ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, паррандачиликка сезиларли даражадаги иқтисодий зарар айрим инвазион, юқумли ва юқумсиз касалликлар ҳамда паррандаларни асраш ва озиқлантириш билан боғлиқ

камчиликлар оқибатида содир этилмоқда. Қатор паррандачилик хўжаликларидида колибakterиоз оғир асоратларни пайдо қилмоқда. Товуқлар орасида колибakterиоз касаллигининг тарқалиши натижасида келиб чиқадиган иқтисодий зарар катта бўлиб, касалланиб соғайган товуқлар кечикиб тухумга киради ва маҳсулот бирлигига ҳаражат сарфи ортади. Колибakterиоз касаллиги билан касалланган паррандаларнинг резистентлик даражаси пасайиши натижада ҳар хил юқумли касалликларга тез берилувчан бўлиб қолади. Юқорида таъкидланганидек товуқларнинг кўплаб ўлиши, ветеринария ҳаражатларининг кўпайиши, маҳсулдорлик ва гўшт сифатининг пасайиб кетиши хўжаликка иқтисодий зиён келтирмоқда.

Ҳозирги вақтда паррандачилик хўжаликлари олдида қўйиладиган вазифаларни бажаришда юқумли ва инвазион касалликлар тўсқинлик қилади. Колибakterиоз касаллиги билан касалланган паррандалар ўртасида ўлим 75 % гача кузатилади. Шунинг учун паррандаларнинг колибakterиоз касаллигини эпизоотологиясини, кечиш хусусиятларини ва ташҳис усулларини ўрганиш, даволаш ва олдини олишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг материал ва методлари. Тадқиқотлар Самарқанд ветеринария медитсинаси институтининг “Парранда, балиқ, асалари ва мўйнали ҳайвонлар касалликлари” кафедрасининг илмий лабораторияси, Самарқанд вилоят ҳайвонлар касалликлари ташҳиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази, ҳамда Ветеринария илмий тадқиқот институтининг илмий лабораторияларида ўтказилади.

Тажрибалар учун ажратилган паррандалар клиник текширишлардан (умумий қабул қилинган усуллар ёрдамида) ўтказилади.

Хўжалиқда колибakterиоз билан касалланиб ўлган паррандалар ёрилди ва паталогоанатомик ўзгаришлар текширилади.

Паррандачилик хўжаликларидида антибиотиклар ва кимёвий препаратларнинг кўплаб қўлланилиши туфайли, шу антибиотикларга нисбатан чидамли бўлган микроорганизмларнинг янги штаммлари пайдо бўлиб, уларнинг вирулентлиги, ферментатив ва антиген хусусиятлари, энг муҳими, доривор воситаларга чидамлилигининг ошиб кетишига олиб келмоқда. Бундай генетик ўзгарган патогенлар одам ва ҳайвонларда, паррандаларда касаллик чақириб, ташҳис қўйиш ҳамда даволашни қийинлаштирмоқда. Тадқиқотлар давомида текширилган

товуқчилик хўжаликларида колибактериоз билан касалланган товуқлар 10-30% ни ташкил этади. Паррандаларда колибактериоз бошқа касалликлар билан жумладан: эймериоз билан бирига кечганда 80-100% гача нобуд бўлади.

Колибактериоз касаллиги билан қишлоқ хўжалик паррандаларининг ҳамма ёшдагилари (товуқлар, ўрдаклар, куркалар) ва шу билан бир қаторда ёввойи, хонаки, ҳаттоки уларнинг эмбрионлари ҳам касалланади. Асосан 1-120 кунлик товуқлар организмида касаллик ўткир ва сурункали равишда шу билан бирга токсикосептик кўринишларда кечади. Катта ёшдаги товуқлар организмида касаллик кечишининг характерли томонларидан бири яширин равишда сурункали ўтишидир. Товуқларнинг колибактериоз касаллиги юқори нафас йўллариининг клиник аломатларига ўхшаган нуқсонлар билан намоён бўлмайди. Касалликнинг инкубацион даври 1-10 кунни ташкил этади. Унинг муддати парранда организмнинг резистентлигига, қўзғатувчилар билан юқиш турига, миқдорига, вирулентлигига боғлиқ бўлади. Товуқларда колибактериоз касаллигининг энг характерли клиник аломатларидан уларнинг умумий нимжонлиги, ҳаракатининг сусайиши, ташқи муҳит таъсиротларига сезгирлигининг пасайиши, уйқи босиши, иштаҳанинг пасайиши ва тез-тез чанқашаи кабилар билан намоён бўлади. Кейин ич кетиши ва асабининг бузилишидир. Тана ҳарорати 1-1,5 С га меъёрдан ошиб, касалликнинг респиратор кўринишида кўздан ёш оқиши, акса уриш ва қийин нафас олиш аломатлари яққол намоён бўлади. Касаллик ўткир кечганида биринчи касалликнинг клиник аломатлари пайдо бўлганидан кейин 2-3 кун ўтгач жўжалар орасида ўлим пайдо бўлади. Кейин мускулларнинг қалтираши, парезлар ва фалажлар кузатилади. Булардан ташқари бўйиннинг қийшайиши ва бошни орқага ташлаш каби аломатлар пайдо бўлади. Ёш товуқларнинг 80 кунликдан катталарида касаллик клиник аломатлари камайиб, умумий нимжонлик, шиллиқ пардаларнинг қонсизланиши, ич кетиш, ариқлаш, кўз тагида синуситлар ва асаб тизимининг бузилиши каби аломатлар кузатилади. Касалликнинг 7-10-чи кунлари то 70%-гачаси нобуд бўлади. Товуқларнинг 150 кундан катталари орасида колибактериоз ўткир ва сурункали равишда ўтади. Уларнинг тухум туғиши камаяди ёки умуман тухтайди шу билан бирга оварит, сальпингит ва сариқ перитонит ҳосил бўлиши билан намоён бўлади. Г.А.Грошева ва бошқалар берган маълумотларига қараганда касаллик сурункали равишда кечганида жўжалар ўсиш ва ривожланишдан қолади, қонда умумий оқсил,

гемоглобин миқдорлари ва қоннинг ишқорий заҳираси камаяди. Касалликка анамнез маълумотлари, касал паррандаларда юзага келадиган клиник белгилар патологоанатомик ўзгаришлар асосида диагноз қўйилади.

Эшерихиоз-колибактериоз - (колисептицемия, колиинфекция, колиэнтерит, колиперитонит) – паррандаларнинг ўткир кечувчи инфекцион касаллиги бўлиб, ич кетиш, энтеротоксемия ва сепсис билан характерланади. Касаллик қўзғатувчиси энтеропатоген ичак таёқчасини биринчи бўлиб 1885-йилда бола ичак ахлати таркибидан Гретсиялик олим Т.Эсчерих ажратиб олган ва унга *Bacterium colli commune* деб ном берган. Кейинчалик ушбу олимнинг шарафига ушбу бактерия *Escherichia coli* деб номланган. Кейинчалик қўзғатувчида О-, К- ва N антигенлар мавжудлиги аниқланган ва улар асосида 1947-йилда Ф.Кауфан эшерихияларнинг серотурларини серологик классификация қилиш усулини яратган. Кўпгина олимларнинг (С.А.Артемева, 1977; И.Бланкоктал, 1998; Б.Ф.Бессарабов, 2007; ва бошқалар) берган маълумотлари бўйича “*Escherichia coli*” нинг 45 та серогуруҳи паррандаларнинг эшерихиозидида муҳим ўрин тутди. Ушбулардан айниқса 01, 02, 08, 09, 011, 018, 022, 026, 035, 055, 078, 086, 0111, 0115, 0119, 0127, 0138, 0141, К80 серогуруҳ штаммлари паррандаларда кўп учрайди. Ўзбекистон ҳудудида товуқ ва жўжалардан “*Escherichia coli*” нинг 026, 041, 055, 078, 0111 штаммлари кўп ҳолатда ажратилади. Эшерихиялар ташқи муҳитда 4 ой фаол сақланади. Музлатиш ва қуритишга чидамлироқ. 4 % ли ўйувчи натрий, 2-3 % ли фенол, крезол, формалин, 20 % ли фаол хлорли оҳак дезинфекцияда самарали қўлланилади.

Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва Ветеринария илмий текшириш институти олимларидан Ҳ.Қ.Бурхонова, Ф.А.Ниязов, Б.Ропиев, Ж.Тоиров, Б.Ахмедовлар Ўзбекистон шароитида ушбу касалликни батафсил ўрганиб, жўжаларнинг эшерихиозига қарши ГОА вакцина яратиб, махсус профилактикага салмоқли ҳисса қўшдилар.

Хулоса.

1. Антисанитар шароитларда жўжаларнинг сақлаш ва озиқлантириш сифатининг ёмонлиги, ҳамда ташқи муҳитда энтеробактерияларнинг мавжудлиги колибактериоз касаллигини пайдо қилади.

2. Жўжаларнинг колибактериоз билан касалланиши оқибатида уларнинг ўлими 75%ни ташкил этиши қайд этилган. Колибактериоз

касаллиги кўпинча аралаш инфекциялар билан намоён бўлиб, ўлим ҳолати ҳатто 100 % гача бўлиши кузатилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Р.Б.Давлатов, Х.С.Салимов, А.Н.Хўджамшукуров. “Парранда касалликлари” ўқув қўлланма Самарқанд-2018.
2. Х.С.Салимов, А.А.Қамбаров. “Эпизоотология” дарслик Тошкент 2016.
3. Б.Бакиров Н.Б.Рўзиқулов ва бошқалар “Ҳайвонлар касалликлари” (маълумотнома)
4. Р.Б.Давлатов, Ш.Н.Насимов, Х.Б.Ниёзов, Ш.А.Жабборов Ш.А.Хўджамшукуров, Х.А.Сафаров. “Парранда касалликларини профилактикаси ва даволаш бўйича тавсиялар”

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:

1. ziyonet.uz
2. [hfh://agro-olam.uz](http://agro-olam.uz)
3. [hfh://agronet.uz](http://agronet.uz)